

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД – ИККИНЧИ МОНИЙ ЁҲУД ШАРҚ РАФАЭЛИ****Раҳмонали Ҳасанов**

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, Халқаро Турон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти Тошкент филиали директори, Турон ФА академиги ва вице-президенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7112576>

**Аннотация.** Мазкур илмий мақолада Шарқ уйғониши даври етук санъаткори. буюк миниатюрачи мусаввир, музаҳҳиблар етакчиси, устози, «Иккинчи Моний», «Шарқ Рафаэли» деган фахрий унвонга сазовор бўлган мутафаккир, Хирот миниатюра мактаби асосчиси - Камолиддин Бехзоднинг ҳаёти ва ижоди, унинг бой илмий мероси ва жаҳон тасвирий санъати ривожига тутган ўрни масаласи хусусидаги фикрлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Хирот, Камолиддин Бехзод, Мирак Наққош, Нигористон, «Иккинчи Моний Навоий», Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Хусрав Дехлавий, Низомий Ганжавий, Шарафиддин Али Яздий, Саъдий, «Зафарнома», «Хамса», «Соломон ва Ибсол», «Темурнома», «Гулистон», «Бўстон» миниатюрачи мусаввир.

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД - ВТОРОЙ МОНИ ИЛИ РАФАЭЛЬ ВОСТОКА**

**Аннотация.** В данной научной статье рассказывается изложены мнения о жизни и творчестве Камолиддина Бехзода, зрелого художника восточного Возрождения, крупного художника-миниатюриста, лидера музахибов, педагога, мыслителя, получившего почетные звания «Второй Мони», «Рафаель Восток», основоположника гератской школы миниатюры, его богатом научном наследии и роли в развитии мирового изобразительного искусства.

**Ключевые слова:** Хирот, Камолиддин Бехзод, Мирак Наккош, Нигористан, «Второй Мони Навои», Джамии, Хоссейн Бойкара, Шайбани Хан, Хусрав Дехлеви, Низами Гянджеви, Шарафуддин Али Язди, Саади, «Зафарнома», «Хамса», «Соломон». и «Ибсол», «Темурнома», «Гулистон», «Бо'стон» художник-миниатюрист.

**KAMOLIDDIN BEHZOD - THE SECOND MONI OR RAPHAEL OF THE EAST**

**Abstract.** This scientific article describes the opinions about the life and work of Kamoliddin Behzod, a mature artist of the Eastern Renaissance, a major miniaturist, leader of the muzakhibs, teacher, thinker, who received the honorary titles of "Second Moni", "Raphael Vostok", the founder of the Herat school of miniature, his rich scientific heritage and role in the development of world fine arts.

**Keywords:** Hirot, Kamoliddin Behzod, Mirak Nakkosh, Nigoristan, "Second Moni Navoi", Jami, Hossein Boykara, Shaibani Khan, Khusrav Dehlavi, Nizami Ganjavi, Sharafuddin Ali Yazdi, Saadi, "Zafarnama", "Khamsa", "Solomon". and "Ibsol", "Temurnoma", "Guliston", "Bo'ston" miniaturist.

**КИРИШ**

Ҳозирги вақтда юртимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз — алломаларимизнинг илмий-маънавий меросини илмий асосда изчил ўрганиш ҳар вақтдагидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Чунки бу алломаларнинг ибратларга тўла ҳаёт йўлларини қолдирган беназир асарлари нафақат ўз юрти ва замонаси, балки бутун инсоният тараққиётига ижобий таъсир этувчи интеллектуал мерос ҳисобланиши шубҳасиз.

«Бугун, орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва комусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз».

Шундай инсонлар борки, ўзининг илм-фан, санъат ва маданият тараққиётга қўшган буюк хизматлари учун даҳога айланади, эл-юрт ҳамиша уни эъзозлайди, неча асрлар ўтсада халқ қалбида абадий яшайди.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ана шундай буюк инсонлардан бири, 1445йилда Хирот шаҳрида таваллуд топган буюк миниатюрочи мусаввир, Шарқ уйғониш даври етук санъаткори. Музаҳҳиблар етакчиси, устози. «Иккинчи Моний» шунингдек «Шарқ Рафаэли» деган фахрий унвонга сазовор бўлган мутафаккир, Хирот миниатюра мактаби асосчиси - Камолиддин Бехзоддир

Хиротда камбағал хунарманд оиласида дунёга келган Камолиддин Бехзод ота-онадан жуда эрта ажралди. Тарихчилардан Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Дўст Муҳаммад ва Қози Аҳмаднинг маълумотларига кўра, Бехзодни Султон Ҳусайннинг китобдори, Хиротнинг машҳур мусаввири Амир Рухилло (Мирак Наққош) болалигидаёқ ўз тарбиясига олиб, тутинган отаси бўлди ва Камолиддинга туз-нон бериб, кийим-бош билан таъминлаб, ҳар томонлама илмли қилиб вояга етказди. Ёш Камолиддин Мирак Наққош тарбиясида, унинг Хиротдаги Нигористонида (санъат академиясида) наққошлик ва миниатюрасозлик хунарининг сир-асрорларини ўрганади. Пир Саид Аҳмад Табризийдан мусаввирлик санъати бўйича таҳсил олди. [30] Ўз ижодида мусаввир Халил Мирзо Шохрухий бадиий услубини давом эттириб, уни ривожлантирган ва камолга етказган, ёш мусаввир истеъдоди жуда тез шаклланган.

Бехзоднинг буюк мусаввир, наққош ва миниатюрасоз бўлиб етишувининг муҳим омилларидан бири — бу унинг XV асрнинг иккинчи ярмида давлат арбоби, шеърят султони Мир Алишер Навоий ҳазратларининг назарига тушиб, бадиий-ғоявий ва эстетик жиҳатдан улуғ мутафаккир ва ҳомий даҳосидан баҳраманд бўлганлигидадир.

Шуни таъкидлаш жоизки, Навоийнинг шахсий кутубхонасида ўша даврнинг етук санъаткорлари Мирак Наққош, Ҳожи Муҳаммад каби мусаввирлар, Ҳофиз Муҳаммад, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур каби хаттотлар ижод билан банд бўлганлар. [29] Бехзод шу кутубхонада, айниқса, хаттот Султонали Машҳадий ва Ёрий Музаҳҳиб билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган. Бехзод ижодининг мавзу доираси, қаҳрамонлари шу ерда—Навоий ва бошқа санъаткорлар ижоди таъсирида камол топган.

Санъат ва нафосатга иштиёқи ниҳоятда кучли бўлган Бехзод ғоятда меҳнатсеварлиги, заҳматқашлиги, ўткир ақлу заковати туфайли истеъдоди кундан-кунга ортиб боради ва тез орада Хиротда машҳур мусаввир бўлиб танилади.

Алишер Навоийнинг мактабдоши ва дўсти, подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро Бехзодни ўз ҳузурига — саройига жалб қилади, унга саройдан махсус жой ажратиб, ижодий ишлар билан шуғулланиши учун барча шароитларни муҳайё қилиб беради. 1487 йилда эса Бехзод Султон Ҳусайн Бойқаронинг шахсий фармони билан Хиротдаги салтанат китобхонасига бошлиқ этиб тайинланади.

Кейинчалик бу жой ўз даврининг бадиий академиясига айланади. Уни мутахассислар «Нигорхонайи Бехзод» ёки «Бехзод академияси» деб атаганлар (Р.Х).

Мусаввир Ҳиротда Навоий ва Султон Ҳусайн ҳаётлик даврида кизгин ижод билан банд бўлди, кўплаб мўътабар қўлёзмаларни яратишга раҳнамолик қилди, маълум қисмини нафис расмлар билан зийнатлашда шахсан иштирок этди, қатор замондошларининг—



Навоий, Жомий, Султон

Ҳусайн ва бошқаларнинг чехракушой (портрет)ларини яратди, бир гуруҳ ёшларга рассомлик сирларини ўргатди.

XV аср охирларига келиб Ҳиротдаги Темурийлар салтанати авж олиб бораётган тожу-тахт учун ўзаро жангу жадаллар туфайли аста-секин емирила бошлайди. Бу даврга келиб Бехзоднинг Ҳиротдаги энг сеvimли ҳомийси — Мавлоно Абдурахмон Жомий (1492 йилда), сўнг устози Алишер Навоий (1501 йилда) бирин-кетин оламдан ўтадилар. 1506 йилда Ҳиротдаги Темурийлар сулоласининг сўнгги қудратли вакили Султон Ҳусайн Бойқаро вафот этади. Шундан кейин шаҳзодалар Ҳирот салтанатини ҳалокат ёқасига олиб келадилар.

1507 йилда кўчманчи ўзбек қабилаларининг хони **Шайбонийхон** Ҳирот тахтини осонлик ила ишғол этади. Бундай беаёв тўқнашувлар, тожу-тахт учун узлуксиз қонли ур-йиқитлар шароитида ҳам Камолитдин Бехзод Ҳиротда қолиб, ўзининг ижодий фаолиятини давом эттиради. Бехзод уч йилча Ҳиротда Шайбонийхон салтанатига қарашли саройда иш олиб бораркан, Бехзод санъати олдида лол қолган Шайбонийхон унинг ижодий ишларига тўсқинлик қилмайди, аксинча, бу улуғ миниатюрасозга ишлаши учун қулай шароит яратиб беради. Бехзод Шайбонийхоннинг тасвирини айни ўша йиллари чизган бўлиши керак.

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

*Бехзод ижоди ва меросини ўрганувчи мутахассислар фикрича, унинг ҳозиргача маълум бўлган асарлари тахминан ўттизта расм ва расмлар туркумидан иборат [ 29] , улардан энг маишхурлари қуйидагилардир:*

1. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига ишланган миниатюралар.
2. Ҳусайн Бойқаронинг мажлислари тасвирланган мураккаъдаги 40 дан ортиқ гўзал миниатюралар.
3. Абдурахмон Жомийнинг «Соломон ва Ибсол» асарига ишланган расмлар.
4. Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»сига ишланган 33 та ажойиб миниатюра.

5. Саъдийнинг «Бўстон» асарига ишланган гўзал расмлар.
6. Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарига чизилган ноёб ва беназир миниатюралар.
7. Абдуллоҳ Хотифийнинг «Темурнома» асарига чизилган расмлар.
8. СаъдийСаъдийнинг «Гулистон» асарига ишланган нафис миниатюралар.
9. Абдурахмон Жомий тасвири.
10. Хусайн Бойқаро тасвири.
11. Шайбонийхон тасвири.
12. Шоҳ Тахмасп тасвири.
13. Шоир Абдуллоҳ Хотифий тасвири.
14. Туялар жанги.
15. Рақси дарвиш (дарвишлар рақси).
16. Самарқандда мадраса қурилиши ва ҳоказолар.

Бехзод ўта сахий ва меҳрибон устоз сифатида жуда кўп атоқли миниатюрасоз, мусаввир ва наққошларни тарбиялаб вояга етказди.

XV—XVI ва ундан сўнгги асрларда Камолиддин Бехзод шогирдларини Хиротда, Табризда, Бухорода, Самарқандда, Шерозда, Исфахонда, Истамбулда, Ҳиндистонда, шунингдек, улкан Шарқнинг бошқа жуда кўплаб шаҳарларида учратиш мумкин эди. Султон Муҳаммад Қосим Али Чехрақушой, Дарвиш Муҳаммад, Устод Муҳаммадий, Музаффар Али, Юсуф Мулло, Рустам Али, Шайхзода Хуросоний, Шоҳ Музаффар, Мир Саид Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдулло каби ўндан зиёд атоқли мусаввирлар Бехзод мактабини, унинг услубини ўз замоналари тақозоларига биноан зўр муваффақият билан давом эттирганлар.

Бехзод мактабининг ҳозирги замондаги давомчиларини Афғонистонда Ўзбекистонда (марҳум Устод Чингиз Аҳмаров) ва бошқа Шарқ ўлкаларида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда Шарқ ва Оврўпо мамлакатларида санъат, рассомчилик тарихини ўрганишда миниатюра чизиш тарихи, хусусан, Бехзод *миниатюра мактаби алоҳида ўрганилади ва тадқиқ этилади ҳамда махсус* мактабларда ўқитилади.

Бехзоднинг мусаввирлик маҳорати ва мактаби Темурийлар даври маданияти тарихига бағишланган барча тадқиқотларда ўз даври санъатининг *ажойиб ютуғи сифатида алоҳида таъкидлаб ўтилади.*

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб музейлари ҳамда кутубхоналарида, Камолиддин Бехзод ва унинг замондошлари томонидан яратилган санъат асрлари сақланиб келинмоқда.

Буни биз санъатшунос олимлар томонидан олиб борилган тадиқотлар ҳамда интернетдан олинган манбалар асосида куйидаги асарларни яратилиши ҳамда унинг ҳозирги кунда қаерда сақланаётганлиги хусусидаги қисқача маълумотларни қайд этмоқчимиз... **Булар куйидагилар:**

### **I.ЖАҲОН КУТУБХОНАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН АСАРЛАР**

#### **\*Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида:**

- Саъдийнинг “Бўстон” асари қўлёзмаси расмлари(1478)
- Амир Ҳисрав Деҳлавийнинг “Хамса” асари қўлёзмасидаги(1495й.) 13 та расмнинг 4 тасида Камолиддин Бехзод асарларига хос хусусиятлар мавжуд; “Султон Русайн боғда” қўшалок расм(1485-1490),

**\* Оксфорддаги Бодли кутубхонаси ва Манчестрдаги Жон Рейландс кутубхонасида :**

- Навоийнинг “Хамса” қўлёзмасига (1485й.) ишланган 13 та расмнинг “Пайғамбар ўз саҳобалари билан”, “Хожа Абдуллоҳ Ансорий дарвишлар билан суҳбатда”, “Моний Баҳромга Дилоромнинг расмини кўрсатмоқда” ва бошқа миниатюралар Беҳзод ижодига мансубдир.

### **\*Қоҳирадаги Миллий кутубхонасида:**

- Саъдийнинг “Бўстон” асари Миср нусҳаси (1488) расмлари ( қўлёзmani хаттот Султонали Машҳадий кўчирган, нақшларни Ёрий Музаҳҳиб яратган) – 12 расмдан 6 тасида Камолиддин Беҳзод имзоси бор: “Султон Ҳусайн саройида зиёфат”(қўш расм),”Доро ва отбоқарлар”, “Масжиддаги баҳс”, “Олимлар суҳбати”, Зулайҳонинг Юсуфга илтижоси” номли расмлар Камолиддин Беҳзод томонидан яратилган;

### **\*Хирот,Техрондаги Салтанат кутубхонасида:**

- Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома асарининг хаттот Султон Муҳаммад Нур кўчирган нусҳасига(1528й.), Камолиддин Беҳзод расмлар чизган;

### **\*Эрондаги Ризо Кутубхонасида:**

- Абдурахмон Жомий портрети

### **\*Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги халқ кутубхонасида:**

- “Султон Ҳусайн ва Алишер Нақой” қўшалок расм

- Амир Ҳисрав Деҳлавийнинг “Лайли ва Мажнун” достони қўлёзмасига (1495, Камолиддин Беҳзод “Лайли ва Мажнун мактабда”, “Дўстлари ва отаси Мажнунга насиҳат қилмоқдалар” номли расмларни чизган;

- Шунингдек, Амир Ҳисрав Деҳлавийнинг “Лайли ва Мажнун” достонининг Султон Муҳаммад Ҳиравий кўчирган қўлёзмасида Камолиддин Беҳзодга нисбат берилган “Мадрасадаги баҳс” , “Лайли ва Мажнун мактабда”, “Лайли ва Мажнун саҳрода”, “Мажнун Лайлининг ити билан” ва”Мажнуннинг элчиси Лайли ҳузурида” номли миниатюралари бор;

## **II. ЖАҲОН МУЗЕЙЛАРИ ВА МАЖМУАЛАРДА САҚЛАНАЁТГАН АСАРЛАР**

### **\*Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида:**

- Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асари қўлёзмасига (1483, 1487йй.) чизилган расмлар мавжуд;

### **\*Лондондаги Британия музейида:**

- Низомийнинг “Хамса “ асари нусҳасига (1442, 1493 -1535 йиллар давомида) ишланган 19 та миниатюрадан 3 таси Камолиддин Беҳзод ижоди маҳсули: “Лайли ва Мажнун қабилалари жанги”, “Суворийлар жанги” ва “Баҳром Ғўрнинг аждар билан олишуви”. Буларда “Саварраҳу ал-абд Беҳзод” деган ёзув бор;

- Низомийнинг “Хамса” асари нусҳасидаги (1494й) 22 расмдан 7 тасида Камолиддин Беҳзод номи қайд этилган.

### **\*Гарварддаги Фогг санъат музейида:**

- Саъдийнинг “Гулистон” асари қўлёзмасининг (1486й.) хаттот Султон Машҳадий кўчирган нусҳасига Камолиддин Беҳзод томонидан ишланган 2 та расм сақланмоқда

### **\*Техрондаги Гулистон музейида:**

- “Туялар олишуви” расми сақланмоқда.

### **\*Швециядаги Ф.Мартин мажмуасида:**

- Султон Ҳусайн портрети

### **\*Нью-Йоркдаги Кеворкян мажмуасида:**

- “Чол ва йигит” расми

**\* АҚШ, Балтимордаги Жон Хопкинс университетида:**

- Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари кўл ёзмасининг (1467) хаттот Шерали кўчирган нусхасидаги 12 та миниатюранинг 8 таси Камолиддин Бехзодга мансуб. Расмларда расмий қабул, жанг лавҳалари, қалъа қамали билан бир қаторда Самарқанддаги, Бибихоним масжиди қурилишини тасвирловчи кўшалок расм ҳам мавжуд;

Юқоридаги манбалардан кўришиб турибдики, биз ҳақли равишда XVII асргача бўлган даврдаги Шарқ миниатюра санъатини дунё оламида беқиёс даражада тарғиб қилган, буюк мусаввир Камолиддин Бехзоддир дейишга асосимиз бор. Шу боис унга “Иккинчи Моний”, “Шарқ Рафаэли” каби нисбат берилиши бежиз эмас, албатта. Куйида Камолиддин Бехзод томонидан ишланган баъзи бир миниатюра асарлари фото нусхасини ҳавола этамиз:

**Лондон. Британия кутубхонасида сақланаётган Низомийнинг “Ҳамса” асарига ишланган миниатюралар:**



**1-Расм. “Искандар ва етти донишманд” (1495—1496й.),**




**2-расм. “Қалъа қурилиши” (1495—1496й.),**



**3-расм “Лайли ва Мажнун қабилалари жанги” (1442-1443).**



**4-расм. Искандар ва сиреналар (1495-1496)**



**5-расм. Хорун аль Рашид хамомда(1495-1896)**

## МУҲОКАМА

Тасвирлардан кўриниб турибдики, Жаҳон тамаддуни ривожига ўзининг санъат асарлари билан йирик ҳисса қўшган Шарқ миниатюра санъатини дунё оламида беқиёс даражада тарғиб қилган, буюк мусаввир Камолиддин Бехзод асарлари ҳозирги кунда ҳам миниатюра санъатида дастури амал бўла олади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, Буюк аждодларимиз меросини ўрганишга, илм-фан, санъат ва маданият ривожига катта эътибор қаратилди, Ўнлаб мутафаккирларимиз номлари абадийлаштирилди, шаҳарлар, кўчалар, таълим муассасаларига уларнинг номлари берилди. Халқаро миқёсда юбилей саналари нишонланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов фармони (1997-йил 23- январь)га биноан Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод номи абадийлаштирилиб, Камолиддин Бехзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди, шунингдек, Миллий рассомлик ва дизайн институтига унинг номи берилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги қарорига биноан, 2000-йилнинг ноябрида Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО ҳомийлигида Бехзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди. 2000-йил 23-ноябрда Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида Камолиддин Бехзод таваллудига бағишлаб Ўзбекистон, Буюк Британия, Туркия, Ҳиндистон, Озарбайжон ва Тожикистонлик олимлар иштирокида нуфузли халқаро илмий конференция ўтказилди. Юбилей муносабати билан Бехзод ҳаёти ва ижодига бағишланган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2 қисмдан иборат “Камолиддин Бехзод” хужжатли фильм яратилди. 2020 йил 14-16 октябрь кунлари эса, рассом таваллудининг 565 йиллиги муносабати билан ўтказилган Халқаро симпозиум бунга яққол мисол бўла олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Халқаро симпозиум пандемия сабаб онлайн тарзда ўтказилди. Унда 20 дан ортиқ хорижий давлатлардан таниқли санъатшунослар, Шарқ миниатюра санъатининг етакчи мутахассислари, бехзодшунослар иштирок этишди. Йирик анжуман доирасида Камолиддин Бехзод ва унинг даврига доир илмий-ижодий қарашлар ҳақида маълумот берилиб, фондда сақланаётган асарлар, Шарқ миниатюра санъати устаси Шомахмуд Муҳаммаджоновнинг 60 дан ортиқ шахсий кўرғазмаси, шунингдек, Тошкент фотосуратлар уйида 6 та давлат: Эрон, Буюк Британия, Туркия, Қозғистон, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатлардан рассомлар ижоди намойиш этилди. Симпозиум «Камолиддин Бехзод ижоди Шарқ ва Ғарб бадиий маданияти кесимида» мавзусидаги халқаро илмий-амалий онлайн конференция билан яқунланди.

Анжуман якунида К. Бехзод ижодини сақлаш ва тарғиб этиш, рассом ижодининг асл нусхалардан иборат кўрғазмалар ташкил этиш, ижодкор ёшлар учун давлат стипендиялари таъсис этиш каби масалалар муҳокама этилиб, халқаро доирада фикр алмашишга янада қулай имкон яратди. Ўзбекистон Бадиий Академияси таклифи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 691-сон Қарори асосида Камолиддин Бехзод номидаги Давлат стипендияси таъсис этилди.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда миниатюра санъатини нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам ўрганиш ривожланиб борапти. Хусусан, «Шарқ Рафаэли» деб аталувчи Камолиддин Бехзод

ижодини ҳам бадиий асар сифатида, ҳам илмий жиҳатдан тадқиқ этишга эътибор ортиб бораётгани сир эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, учинчи Уйғониш даврининг таянч устунлари: насл-насаби тоза халқимиз, томиримизда не-не тамаддунлар бешигини тебратган буюк даҳолар, олиму уламолар, Ватан учун хатто жонидан кечган фидойи инсонлар қони оқмоқда. Уларнинг ноёб асарлари биз учун бебаҳо мерос, эзгу амаллари ҳарбиримиз учун ибратдир.

Бизнинг томирларимизда ана шундай улуғ боболариизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизниг эзгу бурчимиздир.

Бугун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда *Учинчи Ренессанс пойдевори*ни яратиш йўлида катта кадамлар қўймоқдамиз.

Бу борада юртимизда янгича шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган кўплаб ўқувчилар нуфузли халқаро танловларда юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар, ишонч билан айтаоламизки, биз юксак марраларни эгаллашга қодирмиз. Чунки илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, замонавий қилиб айтганда, генимизда бор...

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Комилиддин Бехзод номидаги Давлат стипендияси таъсис этиш тўғрисида”ги 06.11.2020 йилдаги 691-сон Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 08.01.2021 йилдаги 8-сон қарори
4. Alisher Navoiy dostonlariga ishlangan rasmlar (Albom muallifi HamidSulaymon), T., 1970
5. Акимушкин О. Ф., «Легенда о художнике Бехзаде и каллиграфе Махмуде Нишапури» в кн. «Средневековый Иран. Культура, история, филология» СПб. Наука. 2004
6. Акимушкин О. Ф., «Заметки к биографии Камал ад-Дина Бехзада» в кн. «Средневековый Иран. Культура, история, филология» СПб. Наука. 2004
7. O.F. Akimushkin. Arabic-script sources on Kamal al-Din Behzad. Manuscript Orientalia. Vol.7 2 June. Thesa, St. Petersburg. 2001.
8. Ashrafi M. M., Bexzad i razvitiye buharskoy shkoli 16v., Dushanbe, 1987;
9. Kamāl al-Dīn Behzād // AlKindi (онлайн-каталог Доминиканского института востоковедения)
10. Бехзад / Т. Х. Стародуб // «Банкетная кампания» 1904 — Большой Иргиз. — М. : Большая российская энциклопедия, 2005. — С. 443. — (Большая российская энциклопедия : [в 35 т.] / гл. ред. Ю. С. Осипов ; 2004—2017, т. 3). — ISBN 5-85270-331-1.



11. *Бехзад Кемаледдин* — статья из Большой советской энциклопедии.
12. Kamaliddin Bekzad: K 525 letiyu so dnya rojdeniya. Materiali nauchnoy konferensii, T., 1984;
13. E. Bahari. Bihzad. Master Of Persian Painting. London — N-Y. 1997
14. «Бабур-наме», Ташкент, 1958 г. стр. 239-40
15. Деннике Б. Живопись Ирана. М., 1938
16. Кази Ахмед. Трактат о каллиграфях и художниках. М. — Л., 1947
17. Кильчевская Э. Два портрета Кемалетдина Бехзада. в сб. «Сокровища искусства стран Азии и Африки» выпуск I, М., 1975
18. Мастера искусств об искусстве, т. I, М., 1965
19. Norqulov N., Kamoliddin Bekzod, T., 1964;
20. Norqulov N., Nizomitdinov I., Miniatyura tarixidan lavhalar, T., 1970;
21. Пуладов У. Кемаледдин Бехзад. Душанбе. 1978.
22. Полякова Е. А., Рахимова З. И. Миниатюра и литература востока. Ташкент. 1987.
23. Usmonov A., Kamoliddin Bekzod va uning naqqoshlik maktabi, T., 1977;
24. Usmonov O., Madraimov A., Kamoliddin Behzod, T., 2000;
25. Qo‘ziyev T., Behzod va tamaddun. T., 2000.
26. Behzad // Internet Speculative Fiction Database (англ.) — 1995
27. <https://ziyouz.uz/>
28. [https://storage.kun.uz/source/7 /](https://storage.kun.uz/source/7/)
29. [http://ferlibrary.uz/bezod\\_kamoliddin](http://ferlibrary.uz/bezod_kamoliddin)
30. [https://ru.wikipedia.org/wiki Кемаль-ад-Дин Бехзад](https://ru.wikipedia.org/wiki/Кемаль-ад-Дин_Бехзад)